ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 17 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 73 (10.630) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Мамлакатимиз парламентининг юқори палатасида сенаторлар, судьялар, «Маҳалла» жамғармаси раҳбарлари, нотариуслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг етакчи мутахассислари иштирокида «Нотариат фаолиятини ташкил этиш: назария ва амалиёт» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

●Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталарининг йиғилиш ҳамда семинарлари бўлиб ўтди.

●Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мазкур академия ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида «Кучли ижтимоий муҳофаза—давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

●Жорий йилнинг 27-28 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг учинчи учрашуви бўлиб ўтади.

●Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида француз тили ўқитувчилари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида (Франкофония) француз тили байрами ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда жаҳон тиллари, жумладан, француз тилини ўрганишга катта эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди.

●Жиззахда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Диёр оҳанглари» кўрик-фестивалининг вилоят босқичи якунланди.

●Бугунги кунда Республикамизда ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш билан шуғулланиб келаётган намунали марказлардан бири «Машҳура» ўқув марказидир. Вилоятларда ўзининг филиалларига эга мазкур марказ фаолиятининг 12 йиллиги муносабати билан Тошкентда ОАВ ходимлари учун матбуот анжуманини ўтказилди. Унда марказнинг ташкил топганидан буён эришган ютуқлари ҳамда режалари хусусида сўз борди.

● Тошкентдаги В.Митрофанов номидаги республика соғломлаштириш комплекси негизида сувга сакраш бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Унда Жиззах, Олмалиқ ва Тошкент шаҳридан 68 нафар спортчи ғалаба учун кураш олиб борди.

●Ўзбекистон ёқилғи энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини бажариш доирасида Республика хирургия илмий марказига, Миробод туманидаги 57-ақлан заиф болалар мактаб-интернатига, Республика фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатиш «Умр» жамоатчилик марказига, «Геология фахрийлари» клубига 5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

●Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамда «Миллий истиқлол ғояси» фани туркумига кирувчи фанлардан дарс бераётган ўқитувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида Андижон Давлат университетида «Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш» мавзусида 20 соатлик малака ошириш курслари ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

●БМТнинг Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Барадей Эрон ядро ёнилғисини ишлаб чиқариш учун уранни бойита бошлагани ҳақидаги баёноти қанчалик тўғри эканлигини аниқлай олмаганини билдирди.

●Украинада демократик кучларнинг парламент коалициясини тузиш ҳақида протокол имзоланди. Унга «Бизнинг Украина» партияси, Юлия Тимошенко блоки ва Украина социалистлар партияси вакиллари қўл қўйишди. Протоколнинг охирги бандига кўра, коалиция ҳақидаги келишув демократик кучлар меморандуми лойиҳасига киритилган тамойилларга асосланиши, меморандумда эса қайси сиёсий ташкилот энг кўп овоз ололса, бош вазир лавозимига ўша даъвогарлик қилиши айтилган.

●Непалда мухолифатчилар томонидан мамлакат қироли Генендраннинг авторитар сиёсатига чек қўйиб демократия тамойилларини ўрнатиш юзасидан намойишлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, кеча мамлакат пойтахти Катманду шаҳрида бўлиб ўтган намойишларда 9 мингга яқин киши қатнашди.

●ХАМАС радикал ташкилоти етакчиси Исмоил Хания Исроилни давлат сифатида тан олишга тайёрлигини билдирди. Фақат бунинг учун яҳудийлар 1967 йилги чегараларига қайтишлиги лозимлиги таъкидланади.

●Футбол бўйича Россия терма жамоасига илк бор хорижлик мутахассис бош мураббий этиб тайинланди. Эндиликда голландиялик тажрибали устоз Гус Хиддинк тузилган шартномага мувофиқ 2 йил давомида Россия терма жамоасини бошқаради.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**РЕСПУБЛИКА** «Маънавият ва маърифат» марказида Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида ўсмир ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий онгини шакллантиришда таълимнинг ўрни масаласига бағишлаб ўтказилган семинарда маҳаллалар фаоллари ҳамда педагоглар иштирок этишди.

●**РЕСПУБЛИКА** таълим марказида педагоглар иштирокида уюштирилган семинар 2006-2007 ўқув йили учун олимлар томонидан яратилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланди.

●**ШАҲРИМИЗДАГИ** коллежларда, лицейларда айни кунларда Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўқувчилар маънавиятини шакллантириш мақсадида ташкил этилган «Ёш китобсеварлар» кўрик-танлови давом этмоқда.

●**«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Эгали юрт—эркини бермас» мавзуида ўтказилган давра суҳбати Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати— Ўзбекистон-либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

●**БУГУН** «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлимида уюштирилган йиғилиш Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни асраш кунига бағишланди.

●**БУГУН** Юнусобод туманидаги 5-стоматология поликлиникасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати «Ислом дини—эзгулик дини» деб номланди.

●**ЎТГАН** куни Бектемир туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастурини амалга ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ва «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан туманда истиқомат қилаётган ИИБ рўйхатида турувчи вояга етмаган ёшлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

●**ЎТГАН** куни Сергели маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Ёш мусаввирлар» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

●**«СОҒЛОМ** авлод учун» ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари ҳамкорликларида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

● **«СОҒЛОМ** авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Бектемир», Абай, «Бинокор», «Зилола» маҳаллаларида яшовчи аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ОЛМОС ТЕКС» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ЎТГАН ЙИЛДА ЎЗ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИНИ ҲАМ КЎПАЙТИРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШДИ.

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

— Ҳозирда чиқарилаётган маҳсулотни сотишга уриниш эмас, балки бозор талаб қилаётган, харидор сўраётган, унинг дид ва эҳтиёжига мос маҳсулотларни ишлаб чиқариш зарур, — дейди корхона раҳбари Садриддин Исмоилов. — Биз ана шунга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун эса, албатта замонавий дастгоҳ ва ускуналар керак. Шу боис ҳам ўтган йилда янги цехлар ташкил этишга, уларни хорижий линиялар асосида жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратдик.Россия ва Хитой давлатларидан мебель ишлаб чиқарувчи, макарон маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган, сифатли тиббиёт момиғи ишлаб чиқариш учун, жами 150 минг долларлик хорижий линиялар келтириб ўрнатдик. Ана шу асосда маҳсулотларимиз тури бир неча баробарга ортиб, 20 тадан зиёд қўшимча ишчи ўринлари яратдик.

Жорий йилдан бошлаб эса корхонада яна маҳсулот турлари кўпаяди. Раковиналарни тозалаш учун «Крот» ювиш воситаси ҳамда каравотлар учун тўшак ва ёстиқлар тайёрлашга киришилди. Айниқса, Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ҳам амалий ишлар йўлга қўйилди.

Айни кунда корхонада 5 нафар касаначи фаолият кўрсатиб, улар уйларида фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Касаначилар буюртмаларни вақтида бажаришлари учун етарли хом ашё билан таъминланмоқда. Улар томонидан тўшак ва ёстиқлар тикилиб, корхонага топширилмоқда. Шуниси қувонарлики, келгусида бу борадаги ишни давом эттириб, касаначилар сафини бир неча баробар кўпайтириш кўзда тутилган. Энг муҳими эса, касаначиларнинг корхона ишчилари сафидан муносиб ўрин эгаллаб, барча имтиёзлардан фойдаланиши, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим ҳисса қўшишидир.

— Бу, айниқса, уйда ўтириб ишлайдиган аёлларимизга жуда қўл келади, — дейди Садриддин Исмоилов. — Улар ҳам оилалари ёнида бўлади, ҳам ишлаб меҳнат дафтарчасига эга бўлади. Албатта, оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ бўлса, иши ҳам сифатли ва самарали бўлади. Ҳозирда касаначиларимиз билан ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонанинг маҳаллий хом ашё – пахтани қайта ишлаш асосида замонавий хориж линиялари асосида тайёрланаётган «Люкс» момиқлари Россия давлатига экспорт қилинмоқда.

Тадбиркорларнинг кўзлаган мақсадлари аниқ. У ҳам бўлса ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида экспорт ҳажмини ҳам оширишга эришишдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: тадбиркорлик фаолиятидан лавҳалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

14 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ КОМИССИЯ РАИСИ МИРЗАУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ ОЛИБ БОРДИ.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш тўғрисидаги низом лойиҳаси ва Комиссия аъзоларининг навбатдаги вазифалари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш сайлов тизимини, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш, сайлов ва референдум ўтказиш бўйича комиссияларга илмий- методик ёрдам кўрсатиш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш мақсадида тузиладиган жамоатчилик асосида ишловчи орган ҳисобланади.

Сайлов технологияларини ривожлантириш, сайлов жараёнининг илмий, қонунчилик, ахборот-тушунтириш, аналитик, ташкилий ва технологик негизларини такомиллаштириш кенгашнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси аъзоларига мамлакатимизда ҳозирги пайтда тайёргарлик кўрилаётган ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла оқсоқолларини ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш борасида маҳаллий Кенгашларга методик ёрдам кўрсатиш, шу масала юзасидан маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, ўтказиладиган семинар ва анжуманларда оқсоқоллар сайлови қонун-қоидалари бўйича маърузалар қилиш, шунингдек сайлов ташкилотчиларининг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш борасида тўпланган тажрибасини ўрганиш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди. Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди раиси бўлиб ишлаб келган Қўчқор Тоғаев Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, РОЛИ, ВАКОЛАТЛАРИ ВА ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН ЗАРУР БАРЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА КАФОЛАТЛАР ЯРАТИЛДИ.

ҚОНУН МОНИТОРИНГИ НАТИЖАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг мониторинги натижалари юзасидан бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Мазкур институт директори Ф.Отахонов бошқарган тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова ва Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев ва бошқалар ушбу анжуманнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларига бўладиган сайловлар арафасида ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давра суҳбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларнинг ўзаро боғланиши, мониторинг натижасида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини ахборот билан таъминлаш билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзА

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАНОҚ «ИСЛОҲОТ ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, АВВАЛО ИНСОН УЧУН, ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН» ДЕГАН ТАМОЙИЛГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ИШ ТУТИЛМОҚДА.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, унга муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинишида ҳам улкан маъно бор. Зеро, саховат, эҳсон, ўзаро ёрдам халқимизнинг азалий фазилатларидандир. Етимесирларга ғамхўрлик кўрсатиш, муҳтожларга кўмак бериш ҳаёт тарзимизга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида «Кучли ижтимоий муҳофаза — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда гап борди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ушбу академия томонидан ташкил этилди.

Анжуманда мазкур қўмита раиси И.Насриев, академия ректори Қ.Назаров ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айлангани туфайли халқимиз фаровонлиги давр талабига мос тарзда юксалиб бораётганини алоҳида таъкидладилар.

Анжуманда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан эзгу ишларни янада кўпайтириш, олижаноб фазилатларни ёшлар онгига чуқур сингдириш мақсадида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш зарурлиги қайд этилди. Мазкур йўналиш бўйича амалга оширилиши зарур ишлар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

№ 73 (17.04.2006)

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

14 АПРЕЛЪ КУНИ РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ва «Банкдан ташқари айланмани қисқартириш ва нақд пул муомаласи аҳволи юзасидан масъулиятни ошириш масалалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларга амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 22 ноябрдаги қарорларининг ижро этилиши ҳамда Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси ваколатига кирувчи бошқа бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, мазкур Комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг 1- чорагида банк кассаларига нақд пулларнинг тушиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59,1 фоизга, шу жумладан савдо тушумлари 53,3 фоизга ошди. Шунингдек, нақд пулларнинг банк кассаларига қайтиши 98 фоизни ташкил қилди.

Мазкур қарорлар талабларини бажариш мақсадида кўрилган аниқ чора- тадбирлар натижасида аҳолининг ижтимоий тўловлари, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлаб борилиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга мажлисда жорий йилнинг март ойида Республика Пулкредит сиёсати комиссиясининг Ишчи гуруҳлари томонидан Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган таҳлиллар натижасида мазкур ҳудудларда банк айланмасига нақд пул маблағларини жалб қилишнинг қўшимча манбаларини излаб топиш борасидаги ишларнинг қониқарсизлиги ўз тасдиғини топганлиги қайд этилди.

Айниқса, бу борадаги ишлар Тошкент вилоятининг Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида ва Зангиота туманида умуман талабга жавоб бермайди. Хусусан, саноати ривожланган ушбу ҳудудларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари етарлича фаолият юритмаяпти, уюшган савдо тизими яхши ташкил этилмаган, пулли ва маиший хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам талаб даражасида эмас.

Мазкур масала юзасидан ушбу ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда ушбу шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари — ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига нисбатан қатъий интизомий чоралар кўриш юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлигига тегишли тақдимнома киритишга қарор қилинди.

Шунингдек, мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида банк кассаларига топширилган нақд савдо тушумлари билан чакана товар оборати ва пулли хизматларнинг амалдаги ҳажмлари ўртасида фарқларни аниқлаш, шунингдек, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш аҳволи юзасидан етарли даражада таҳлиллар ўтказилмаётганлиги, айрим тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг тегишли ҳужжатларсиз савдо фаолияти билан шуғулланаётганлиги танқид қилинди.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда аҳолига маиший ва пулли хизматлар кўрсатиш аҳволи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу борадаги аҳвол Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Элликқалъа, Қораўзак, Амударё, Мўйноқ, Кегейли туманларида, Жиззах вилоятининг Янгиобод, Фориш, Зарбдор ва Бахмал туманларида, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Нишон, Чироқчи, Қамаши туманларида, Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Қўшработ, Иштихон, Тойлоқ туманларида, Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Жарқўрғон, Термиз туманларида, айниқса қониқарсиз бўлиб, уларда аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш республика даражасидан бир неча мартага паст.

Мажлисда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларига нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналарининг нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ топширилишини таъминлаш, ҳудудларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконларини очиш борасидаги ишларининг самарадорлиги пастлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, мажлисда ҳудудларда мутасадди идоралар томонидан аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминловчи самарали механизмларни жорий этиш ва коммунал тўловлардан мавжуд қарздорликларни ундириш масаласига жиддий эътибор берилмаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Андижон, Жиззах,Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида коммунал тўловлардан катта миқдорда қарздорликлар мавжуд. Мазкур ҳудудлардаги мутасадди идоралар томонидан ушбу қарздорликларни қисқартиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаяпти.

Комиссия мажлисида ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ва республика тижорат банклари раҳбарлари зиммаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш, банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисидаги қарорлари талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу масалани қатъий назоратга олиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, Комиссия мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисобкитоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарори ижроси тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

2005-2006 йиллар давомида тижорат банклари томонидан муомалага жами 2,3 миллион дона пластик карточкалар чиқарилганлиги, 11 мингдан ортиқ терминаллар ўрнатилганлигига қарамасдан жойларда улардан самарали фойдаланилмаяпти. Хусусан, вилоятлар марказларида, Марғилон, Қўқон, Асака каби йирик шаҳарларда савдо дўконлари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллардан унумли фойдаланилмаяпти.

Бунга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан мазкур масалага етарли эътибор берилмаётганлиги, бу борада назоратнинг сусайтириб юборилганлиги сабаб бўлмоқда.

Ваҳолонки, мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларида, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа пунктларда тўловларни пластик карточкалар орқали йўлга қўйиш вазифаси юклатилган эди.

Мажлисда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

●Исроилда ишлаб чиқилган янги жарроҳлик операцияси жаҳон даражасида ноёб бўлиб, карлар, шу жумладан, туғма кар бўлган болакайларга эшитиш қобилиятини қайтариш имконини беради.Операциянинг ноёблиги шундан иборатки, ички қулоқдаги жароҳатланган товуш механизмини айланиб ўтиб, қулоқнинг асосий эшитиш органи «чиғаноқ» қулоққа трансплантация қилинади ва у электродлар билан бевосита мияга уланади. Янги ишланма Тель-Хошамердаги «Шива» тиббий маркази ЛОР бўлими мудири профессор Йона Кроненберг томонидан ишлаб чиқилди. Профессор Кроненберг «Маарив» газетасига берган эксклюзив суҳбатида таъкидлангандек ички қулоқни асосий унсури бўлган қулоқ чиғаноғи опрецияларида одатда нозик электродлар сингдирилади ва чиғаноқ эшитиш нервига уланади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, касаллик ёки жароҳатланиш натижасида эшитиш қобилиятини йўқотганларда ҳам, туғма карларда ҳам мазкур нерв узилган бўлмай, шунчаки ўчиб қолган, холос. Қулоқ мазкур чиғаноғи ўз навбатида икки ярим оборотга айлантирилган спиралли трубкани эслатади ва нозик плёнка билан икки бўлимга ажратилган. Ташқаридан ахборот олиб келган товуш тўлқинларини қабул қилиши оқибатида қулоқ пардаларининг тебраниши уларни қулоқ чиғаноғи ва ички қулоқ махсус қурилмаси ёрдамида механик тебранишларга айлантиради ва чиғаноқдан эшитиш нервига ўтказади. Исроилда ишлаб чиқилган услубиятнинг хусусиятлари шундан иборатки, у умумий наркоз остида ўтади ва икки-уч соат давом этадиган оддий операциялардан фарқли равишда бир соатдан кам вақтни олади ҳамда одатда, мушкул оқибатларга олиб келмайди.

●Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Арава тараққиёт бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган лойиҳа доирасида стерилизациядан ўтган бир ярим миллиарддан ортиқ майда пашша Исроил, Иордан ва Фаластин мухториятида қўйиб юборилади. Бу пашшалар мева дарахтлари, асосан цитруслиларни йўқотаётган Ўрта Ер денгизи пашшасини йўқотишда қўлланилади. Оддий пашшалар билан қўшилганидан кейин у насл бермайди, натижада бундай ҳашаротларнинг янги авлоди пайдо бўлмайди. Исроил цитрусли ўсимликлар уюшмаси институти доктори Норам Рамлевнинг хабар беришича, ҳар ҳафта мазкур лойиҳада иштирок этаётган ҳудудларда самолётлардан қарийб 10 миллион стерилизациядан ўтган пашша чиқариб юборилади. Бунда Негев чўли шимолий қисми, Газа минтақаси ва Иорданиянинг Иордан дарёси водийси ҳудудлари ҳақида сўз бормоқда.

●Йонишкис (Вильнюс) шаҳридаги касалхоналарнинг бирига келтирилган 16 ёшдаги ўсмир қиз операция столига кўричак билан ётқизилди. Фурсат бой берилмади. Олий тоифадаги жарроҳ Юозас Мажутавичюс енг шимариб ишга киришди. Унга ёрдам берувчи ҳамширалар қўркувда. Нега деганда, жарроҳнинг яхшигина кайфи бор. Ишқилиб бирор кор-ҳол рўй бермаса бўлгани. Ахир бемор ўн гулидан бир гули очилмаган қиз. Жарроҳ кўричакни эҳтиёткорлик билан кесиб ташлади. Ҳаммаси жойида, ҳамширалар енгил тин олишди ва тан беришдики, устаси фаранглар қийин вазиятда ҳам ўзларини яхши идора қилишар экан. Шундай қилиб ширакайф жарроҳ Юргит исмли қизнинг ҳаётини сақлаб қолди.

●Испаниялик 32 ёшли Рудино Фернандеснинг тасдиқлашича у ҳеч ким очолмайдиган мўъжиза— қулф ихтиро қилган. Бу қулф ўта мураккаб электрон қурилма билан таъминланган бўлиб, керакли рақамлар терилгандагина очилди. У 4,3 миллион сондан иборатдир. Бу керакли рақамни топиш учун ҳаммасини навбатма-навбат санаб кўришга узлуксиз 136 йил вақт керак бўлади.

●Бизда жарроҳликда игна-иплардан фойдаланилади, Африкадаги халқлар эса чумолидан. Қандай қилиб дейсизми? Африка чумолилари кесилган жойни жарроҳлардан ҳам мукаммалроқ ва хавфсиз қилиб тикиб қўйишга ярар экан. Кесилган жойнинг четлари бир-бирига бирлаштириб турилади ва жароҳат устига бир нечта чумолилар қўйилади. Чумоли одатига кўра бемор терисини тишлайди, шунда жарроҳлар чумолининг бош қисмини қолдириб, қолган қисмини кесиб ташлайдилар. Ана шунда жароҳат пишиқ беркилиб, табиий равишда боғланиб қолади. Чумоли ажратиб чиқарган модда антибиотик каби инфекциядан ҳимоя қилиши мумкин экан.

●Тошбақанинг узоқ умр кўришини яхши биламиз.Яқинда Австралиянинг Брисбейн шаҳридаги ҳайвонот боғида Хэрриет лақабли тошбақанинг туғилган куни нишонланди. Чунки у ҳозирча дунёдаги энг кекса тошбақа бўлиб, 169 ёшга кирди. Кекса тошбақани ҳатто машҳур олим Чарльз Дарвин ҳам таниган. Дарвин уни Гала пагосс оролларига саёҳатга борганида ўзи билан Англияга олиб келган. Уни 1841 йилда Австралияга келтиришган. Ўшандан буён тошбақа бу ердаги ҳайвонот боғида яшаб келмоқда.

●Жанубий Африка Республикасида туяқушлар мамлакатга катта даромад келтирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатан улар ҳар йили мамлакат хазинасига 100 миллиард ранд, яъни 33 миллион доллар фойда келтиради. Шунинг учун ҳам бу ўлкада туяқушчилик фермерлари жуда кўп. Туяқушчилик мамлакат хазинасига даромад келтиришда олтин ювиш саноатидан кейинги ўринда туради. Ҳозир Исроил ва Зимбабведаги сингари ЖАРда ҳам мамлакатдан туяқуш ва унинг тухумини олиб чиқиб кетиш тақиқланган.

●Австралияликлар меҳнат таътили ҳақида энг кам ўйлайдиган халқ бўлиб чиқди. Махсус тадқиқот натижаларига кўра, аҳолининг 40 фоизи меҳнат таътилига чиқмай ишлаб келмоқда. 42 фоиз ишчи қисман таътилга чиққан.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

МАЖМУАЛАР САРҲИСОБИ

ЖОРИЙ ЙИЛ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ЮЗАСИДАН ПОЙТАХТ МАЖМУАЛАРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича мажмуанинг йиғилишида мамлакат Президентининг соғлиқни сақлаш ва халқ таълими ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилган Қарорлари ижроси ҳамда соҳа тизимларини ислоҳ қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси маълумотига кўра, бугунги кунда барча тиббиёт муассасаларида моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари ташкил этилган бўлиб, улар ҳисобидан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимлари яратилган. Айни пайтда муассасалар раҳбарияти ва касаба уюшмаси вакили таркибида тузилган махсус комиссиялар томонидан ҳар бир субъект йўналиши ҳамда ходимларнинг малака тоифасини инобатга олган ҳолда тўловлар мезонлари ва ҳисоб-китоб услублари белгиланган. Қайд этилган Қарорга мувофиқ жамғарма бир нечта манба, шу жумладан бюджет ажратмалари ҳисобидан шакллантирилади. Лекин, маълум бўлишича, айрим туманларда ҳисобот даврида зарур маблағлар тўлиқ таъминланмаган, жамғармага пулли хизматлар ҳамда ҳомийлар маблағларини жалб этиш юзасидан тегишли ташкилий ишлар суст даражада бўлиб қолаётир. Шулардан келиб чиққан ҳолда йиғилишда Молия бош бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва моддий рағбатлантириш жамғармалари ҳисобига маблағ тушумини таъминлаш юзасидан тегишли чораларни кўриш, шунингдек туман кесимида қайд этилган Қарорнинг ижросини тўлиқ таъминлаш борасида доимий мониторинг юритиш бўйича топшириқ берилди.

Халқ таълими муассасаларида ушбу жараён ташкилий жиҳатдан анча фаоллашган. Ўтган уч ой ичида малакали ўқитувчилар меҳнати учун тўловлар ҳажмини кенгайтириш борасида тегишли маблағлар тўлиқ таъминланган ҳамда ҳар бир ўқитувчининг касбий даражаси ва ўқув жараёнига бўлган бевосита амалий ҳиссасини инобатга олган равишда тақсимланган. Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим вазиятларда камчиликлар ҳам юзага келган. Масалан, Мирзо Улуғбек туманида махсус комиссиялар томонидан ҳар бир мактаб бўйича алоҳида смета ишлаб чиқилмаган.

Йиғилишда шунингдек, тўққизинчи синф битирувчиларининг ўрта махсус ўқув юртларида ўқишга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ҳам баъзи масалаларга аниқлик киритилмагани таъкидланди. 2004-2005 ўқув йилида 9-синфни битирган ўсмирларнинг 61,1 фоизи лицей ва коллежларга кирган, қолганлари эса ўқишни мактаб доирасида давом эттирмоқда. Жорий йилда эса, сўровнома натижаларига қараганда, битирувчиларнинг асосий қисми ўрта махсус ўқув юртларига кириш истагини билдирган. Шундан келиб чиққан ҳолда фақат 27 та мактабда 28 та ўнинчи-ўн биринчи синф очиш кўзда тутилмоқда. Шундай бўлсада, ХТББ раҳбариятининг таъкидлашича, ҳозирдан бошлаб ёки юқори синфларни кўпайтириш ёхуд ўрта махсус ўқув юртлари бўйича квоталанган жойларни кенгайтириш зарурати бор. Гап шундаки, пойтахтдаги колледж ва лицейларга вилоятларда истиқомат қилувчи тўққиз мингдан зиёд ўғил-қизларнинг ҳам кириши эҳтимоли йўқ эмас. Демак, шаҳардаги 7-8 мингдан ортиқ 9-синф битирувчиларининг мактабларига қайта қайтишдан бошқа иложи қолмайди. Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, бу масалани тўғри ҳал этишда асосий эътиборни шунингдек, ҳар бир коллеж ва лицей бўйича режалаштирилаётган қабул тўлиқ таъминланишига қаратиш лозим, бунда ўқув йили давомида касбга йўналтириш ишларини жонлантириш ва кучайтириш, ўқувчиларни техник жиҳатдан юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган коллежларга кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўз навбатида, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 2010 йилгача мўлжалланган лицей ва коллежларда мутахассисларни сифатли тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурнинг ижроси ҳам талаб даражасида бажарилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси ахборотига кўра, коллежлар негизида кичик ўқув корхоналарини ташкил этиш қониқарли эмас, мавжудларини эса керакли ҳом ашё билан таъминлаш ишлари суст-лигича қолмоқда. Махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш вакиллари томонидан мутахассислар бозори бўйича мониторинг ўтказилмаган. Жорий ўқув йили учун белгиланган чора-тадбирларнинг фақат 64 фоизи амалга оширилган. Ушбу йўналишда ўзини ўзи бошқариш органлари ва меҳнат биржаларининг фаолияти сезилмаётир.

Мазкур тузилмалар томонидан шунингдек, уй меҳнатини ривожлантириш дастури ижроси юзасидан ҳам талабчанлик етишмаётгани қайд этилди. Биринчи чоракда 1045 нафар кишини уй меҳнати билан банд қилиш режалаштирилган бўлса, амалда фақат 734 киши касаначиликка жалб этилди. Фақат Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида ишлар қониқарли даражада. Аммо умумий олганда касаначиликни айнан йирик саноат корхоналари ҳисобига юритилмоқда деб бўлмайди. Аксарият ҳолларда уй меҳнати якка тартибдаги фаолият билан таърифланади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг ахборотига кўра, йирик субъектларнинг асосий қисмининг касаначиликни ривожлантиришга унчалик истаги йўқ эмиш. Бироқ, агарда ушбу корхоналарнинг молиявий аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, айнан уй меҳнатини жорий этиш ҳисобига бир қатор харажатларни қисқартиришга эришиш имконияти катта ва шунинг эвазига бюджет олдидаги, ойлик маоши, кредитор ва дебитор қарзларини қоплаш мумкин бўлади.

Ҳисобот даврида давлат ва маҳаллий бюджетга бўлган киримлар ўрта ҳисобда 1,4-2,5 фоиз ортиғи билан бажарилган. Саноат ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам тегишли равишда 23,7 ва 24,2 фоизга кўпроқ бўлган. Аммо туманлар миқёсида йирик корхоналар томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,7 миллиард сўмга пасайгани кузатилган. 55 корхона эса 28,5 миллиард сўмга тенг зарар билан чиққан. Муддати ўтган дебитор қарздорлик 11,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, муддати ўтган кредитор қарздорлик бу кўрсаткичдан деярли 7,5 мартага кўпдир. Ўз навбатида, буларнинг бари ишчи боқиманданинг юзага келишига сабаб бўлган, яъни 6,6 миллиард сўмнинг бюджетга тўланмай қолганидан далолатдир. Ҳамза, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Яккасарой ва Собир Раҳимов туманларида иш ҳақи бўйича корхоналарнинг қарзи 3,2 миллиард сўмни ташкил этган. Бу борада энг кўп қарздорлик Ҳамза ва Чилонзор туманларига тўғри келмоқда.

Юзага келган бундай вазиятни бартараф этиш юзасидан туман ҳокимликларига зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий шароитини барқарорлаштириш бўйича тезкор чора-тадбирлар ўтказиш зарурлиги, Назоратгафтиш бошқармаси ва Молия бош бошқармасига бюджет маблағларининг таъминланиши борасида назоратни кучайтириш тавсия этилди.

Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқа масалалари бўйича мажмуа йиғилишида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, ҳар бир жамоат тузилмаси фаолиятида самарадорлик ва изчилликка эришиш юзасидан амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди. Шунингдек, Наврўз айёми муносабати билан ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ ҳашари натижалари муҳокама қилинди. Бу борада «Маҳалла» жамғармасининг бўлимлари ҳисоб рақамларига ҳашари бўйича тушумларни таъминлаш бўйича ташкилий ишларни давом эттириш лозимлигига урғу берилиб, маблағларни манзилли равишда — ўзини ўзи бошқариш органлари инфратузилмасини ривожлантиришга ва муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтириш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, май-июнь ойларида ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан тавсиялар ҳам бериб ўтилди. Тегишли ташкилотларга турар жой массивларида ободонлаштириш ҳамда жамоатчилик тартибини таъминлаш борасидаги ишларни кучайтириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, иккинчи чорак мобайнида кутилаётган байрам тадбирлари — Хотира ва Қадрлаш куни, май-июнь ойларида ўтказиладиган дўстлик фестивали ва битирувчилар учун ёшлар фестивалига оид ташкилий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуаси ҳамда **шаҳар хотин-қизлар қўмитаси** раёсатининг қўшма ҳисобот йиғилишида мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси кўриб чиқилди. Ушбу йўналишда биринчи чорак давомида «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси ва «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда 1,5 мингга яқин турли мавзуларда тадбирлар ўтказилди, шу жумладан аёллар ҳуқуқлари ва тиббий саводхонлигини ошириш, оилани мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган кўплаб ўқув семинарлари ташкил этилди. Бундай тадбирларнинг натижаси салмоқли бўлди, дейиш мумкин. Чунончи, 428 та оила ажримининг олдини олишга, аёллар ўртасида жиноятчилик сонини кескин қисқартиришга эришилди. Хотин-қизлар қўмиталари иштирокида 2195 нафар аёл иш билан таъминланди. Оилалар иқтисодий аҳволини ўрганиш ва бу борада тегишли чоралар кўрилиши, аёлларнинг жамиятдаги мавқеининг оширилиши эвазига ўтган уч ой ичида кам таъминланган оилалар сони деярли 100 тага камайтирилгани кузатилди.

Бундан ташқари, йиғилишда маҳаллалар кесимида махсус ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганиш натижалари ҳам таҳлил этилди. Бугунги кунда 474 та маҳаллада хотин-қизлар комиссияси раиси ҳамда ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифаларига кадрлар тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари, қайд этилган маслаҳатчилар лавозимига кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан ишлар давом этмоқда. Бу борада олима аёллар бошчилигида туманлар кесимида уюштирилган ҳафталик машғулотлар, бир ойда бир марта шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилаётган ҳисобот семинарлари ўз ижобий натижаларини бермоқда. Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари «Отам, онам ва мен — спортчи оиласи» шиори остидаги тадбирларнинг ташкилотчиси ҳисобланади. Январь-март ойларида бундай оилалар сони 300 тага кўпайган. Ҳар хафтанинг шанбаси аёллар спорти куни этиб белгиланган бўлиб, бу тадбирларда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Биринчи чорак ичида эса турли мусобақаларга 15 мингга яқин аёлларни жалб этишга эришилди.

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ва аёлларнинг айрим камчилик ва муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Айниқса, ёшларни банд қилиш, янги иш жойларини яратиш, нотинч оилаларни соғломлаштириш масалалари долзарб бўлиб қолаётганига урғу берилиб, бу борада ҳар бир бошланғич ташкилот кесимида қўмиталар фаолиятини таҳлил қилиш ва йўл қўйилаётган хатоларни бартараф этиш юзасидан тегишли амалий чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди.

ЭРТАГА Капитал қурилиш, коммунал хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича мажмуанинг биринчи чоракда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ҚАЙДАСАН, ҚАЛБ АРДОҒИМ

ҲИКОЯ

Ўша жума умр дафтаримга ҳаётимнинг энг қора куни бўлиб ёзилди. Пайшанба эрталаб ишга келсам, хонамдаги телефон кетма-кет жиринглаб қолди. Шошқич гўшакни кўтардим. Ундан: «Алло, Тошкентми? Сиз билан Бухоро гаплашади», деган овоз эшитилди.

Кейин:

—Фарҳод ака, бу мен Малоҳатман. Таниясизми? Дилдора марказий касалхонада ётибди. Аҳволи оғир. Тез етиб келинг. Сизни зудлик билан чақиришимни мендан илтимос қилди.

Нима гаплигини сўраб-суриштиргунча овоз узилди. Нега бунча шошқич? Нега Малоҳат бу қадар ҳаяжонда? Демак, бир гап бор, Дилдоранинг дарди оғир. Ўша куниёқ сафарга отландим. Бир кун ўтиб биринчи рейс билан Бухорога учдим.

Касалхонадаги учрашувни бош шифокор ҳузурига киришдан бошладим.

— Дилдора Ҳасанованинг кими бўласиз?—деб сўради у менга синчков тикилиб.

— Яқин таниши.

— Атайлаб Тошкентдан келибсиз, майли сизга олдига киришга рухсат бераман. Лекин айтиб қўяй, дарди оғир. Чидатинг қўйманг.

Эшикдан киришим билан Дилдора сергак тортиб қаддини кўтарди, тўзиб кетган сочларини қўли билан тез-тез тартибга келтирган бўлди. Бир зум унга термулганимча жим қолдим. Вой, тавба, шундай гўзал, лобар аёлга нима бўлди? Мунча озиб-тўзиб кетмаса. Чиндан ҳам дарди оғирга ўхшайди.

Орадаги сукунатни Дилдора бузди.

— Келдингизми, кутавериб кўзларим тўрт бўлдику? Сизни кўрмай қоламанми деб қўрққан эдим.

Ҳўнграб юбормасликдан ўзимни аранг тийиб жимгина унга яқинлашдим-да, бармоқларидан тутдим.

— Нима бўлди, Дилдор?

Дилдора жавоб ўрнига қўлимни юзига босди.

— Кўргулик,—деди у оҳиста. Кейин бир қадар вазмин овоз билан деди:

Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ,
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ.
Гулим англат бало қайдан ёпишди,
Не савдолар азиз бошингга тушди.

Ҳар гал мен билан тўқнаш келганингизда айтиладиган мана шу тўртликни Худо бекорга ҳам дилингизга солмаган экан. Бугун чиндан ҳам оғир савдолар бошимга тушиб қолди, Фарҳод ака.

—У қандай савдо экан, сизни бунчалик қийнаган? Айтинг, чорасини топармиз ахир.

—Унинг чораси йўқ. Бу ҳал қилиб бўлмайдиган савдо. У ўлим савдоси.

—Нима бўлди сизга, Дилдора, тушунтиринг ахир.

—Инсон бардоши тош эмас, Фарҳод ака. Бу тизгинсиз ўй-хаёллар ҳар кеча қалбимни кемириб, юрагимга зарпечак каби ёпирилиб борди. Охир-оқибат ўз кучини кўрсатди шекилли-да. Йўқ. Кўнглингизга келмасин, бунда сизни заррача гуноҳингиз йўқ. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Ниятим сизни сўнгги бор кўришим эди. Оллоҳга шукр ниятимга етдим. Фарҳод ака, бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?

—Айтинг.

—Сизнинг менга бўлган соф муҳаббатингизга имоним комил. Лекин билиб қўйинг, барибир эркак кишининг севгиси беқарор бўлади. Аёл киши севса чин дилдан, юракдан севади. Дардини ичига ютади. Уни ошкор этишдан кўрқади. Ҳатто уни шундай сирлигича ўзи билан бирга қабрга олиб кетади.

Меҳр билан айтилаётган бу сўзларни лоқайд тинглаб бўлмасди. У ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборарди. Ўзимни тутиб туролмадим. Кўзимга ёш келди.

— Қўйинг, йиғламанг, кўнглим баттар эзилади. Дунёда ҳеч қачон эркак киши йиғламасин. Тақдир мен шўр пешонани сиздай инсон билан учраштирганидан хурсандман. Сиздек олижаноб киши билан танишганимдан хурсандман. Ва ниҳоят сизга севимли бўлиб, сизни бутун қалбим билан севиб қолганимдан хурсандман. Мен бундай покиза севгини одамларга баралла айтишдан қўрқмайман. Бу инсоний соф муҳаббат олдида тиз чўкаман. Дилимдаги шу сўзлар армон бўлиб қолмаслиги учун сизни чақиртирдим.

— Раҳмат, Дилдора, мени эслаганингиз учун, раҳмат.

—Ахир қандай эсламай сизни? Ўша ҳаяжонга бой бўлган онларни эсламай бўларканми? Ҳаммаси эсимда. Ўша дам олиш уйи, биринчи учрашув, ёқимли,самимий қарашлар. Танишув ва ниҳоят ўша айвон, биринчи бўса. Ўшанда нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Бошим айланиб кўзим тинди. Фақат бир нарса сизнинг титроқ овозда «Дилдора, қўлингизни беринг», деганингиз эсимда. Шунда сизга ўз ихтиёрим билан қўлимни тутдимми ёки мажбурлаб ушладингизми, буниси менга қоронғу. Лекин ўзимни сизнинг оғушингизда кўриб кўрқиб кетдим. Яхшиямки, шу топда ичкарида ўтирган Малоҳатнинг: «Дилдор» деган овози эшитилди. Шу овоз бизни сергак торттирди. Бўлмаса ўша алпозда туришимиз яна қанча давом этарди, билмайман.

Кўнглимда қандайдир сархушлик ҳиссини сезсамда, ўша кеча ўзимни лаънатлаб чиқдим. Нима қилиб қўйдим? Энди уйга борганда эрим, болаларимнинг кўзига қай юз билан қарайман?

Эртасига бу қилмишингиз учун сизга аччиқ-қуруқ сўз айтиб орани очди қилмоқни дилимга жо қилиб қўйгандим. Бўлмади. Сизни кўришим билан яна ҳаёлларим ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Шу топда ўзим ҳам сизга қандайдир боғланиб қолганлигимни яна бир бор юракдан ҳис этдим.

Ҳар куни эрталаб яширинча сизни кузатардим. Ташқарига чиқиб тўғридаги ўриндиққа ўтириб олиб, соатлаб ойнамизга термулиб ўтирардингиз. Илтижоли, болаларча мўлтиллаб қараб туришингизни кўриб сизга жуда-жуда раҳмим келарди. Шунда Малоҳат кулиб:

— Бечора, рухсорингни бир кўришга зор-интизор бўлиб кетдику.Қийнамай бир қиё боқиб қўя қол, — дерди.

— Йўқ,—дердим мен алам билан. Лекин сиз томон учарга қанотим йўқ эди. Уни-буни баҳона қилиб барибир чиқардим. Чидолмасдим.

Эсимда, оромгоҳда ўтадиган барча бадиий кечаларни сиз бошқарардингиз. Муҳаббат ҳақидаги шеърларингизни тинглаб одамлар нигоҳидан қочиб қутулолмасдим. Улар наздида гўё бу шеърлар менга аталгандек эди.

Кунлар тобора бизни бир-биримизга узилмас ип сингари боғлаб борарди. Шундай бахтиёр дамларнинг бирида ойдин тунда мени узоқ-узоқларга бошлаб кетдингиз. Бир вақт қарасам, чанг-тўзон шудгор оралаб боряпмиз. Вой, шундай таниқли одам нега мендек оддий ўқитувчи билан шудгор кезиб юрибди, уни бунга нима мажбур қиляпти, дейман ўзимга ўзим.

—Қаёққа кетяпмиз,—сўрайман ўсмоқчилаб.

—Ҳов, ўша дарахтнинг тагига борайлик, — дейсиз сиз ой нурида бўй бастини намоён қилиб турган дарахтни кўрсатиб.

—Нима қиламиз у ерда? Ахир суҳбатлашиш учун бошқа жой қуриб кетибдими?

—Бу ҳам бир кўнгилда, — дейсиз кулиб. Манзилга етиб келгач, иккаламиз жим қолдик. Орадаги сукунатни фақат ҳансираган нафасларимиз бузарди. Менга тобора яқинлашиб келаётганингизни билиб турибман.

— Дилдора,—дедингиз қўлимдан тутиб.

— Биласизми...

— Нимани?

— Сизни севиб қолдим.

— Мен ҳам...

Шу тобда қандайдир иссиқ ҳарорат баданимни куйдириб ўтгандек бўлди. Сергак тортдим.

— Йўқ,— дедим мен кўкрагингиздан итариб. — Ўша кунги биргина бўсанинг ўзи бизни шунчалик бир-биримизга боғлаб қўйди. Иккинчиси ортиқча. Бунисини энди ҳазм қилолмаймиз. Ахир, ўртамизда бузилмас девор борлигини унутмаслигимиз керак. Уйда мени кутиб турган эрим, болаларим, сизнинг суюкли аёлингиз бор. Келинг, яхшиси севгимизни пок сақлайлик.

Дилдора ўз сўзларидан уялдими, чарчадими, ҳар қалай бир зум жим қолиб кўзларини юмди. У айтса-айтмаса ўша хуш онлар эсимда. Уларни унутиб бўлармиди?

Дам олиш муддати тугаб, уйга қайтар кунларимиз яқинлашган сари «Энди нима қиламиз», деган савол бизни бир зум тарк этмасди. Биз кутмаган ўша кун ниҳоят келди. Якка оёқ узун тор кўча бўйлаб борарканмиз, бир-биримизга айтар гапларимиз кўп эсада, лекин иккаламиз жим эдик. Айрилиқ азоби бизга ҳеч қачон тинчлик бермаслигини билардик. Ҳар қалай мен ташаббусни қўлга олдим.

— Энди нима қиламиз, Дилдора?

—Билмасам, бошим қотди. Ҳеч ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

Ниҳоят кўча охирлаб узун зиналар бўйлаб пастда шовуллаб оқиб турган дарё бўйига тушиб бордик. Дил розимизни айтаётгандек ўзанига шошилаётган тўлқинларни жимгина кузатамиз. Улар ҳам бизнинг ҳолимизга ачингандек бебошлик билан тинимсиз ўзини тошдан тошга уради.

—Майли,—дединг охирида сен. — Бошимизда шундай кўргилик бор экан. Қисматимиз айро экан. Нима ҳам қилардик. Энг муҳими бир-биримизни унутмасак бўлгани.

Кетар жафоси нақадар оғир кечди. Одамлар олдида ўсал бўлиб бир-биримизни кузатмасликка аҳд қилдик. Мен кетиб боряпман. Икки кўзим сен мўлтираб, маъюсгина кўз ёш тўкиб турган айвонда. Йўқ, чидаб туролмадинг. Шитоб билан ичкарига кириб кетдинг. Худди шу тобда ичимдан бир нарса узилиб кетгандек бўлди. Қани энди оёқларим олға босса. Оҳ, у кунларнинг азоби.

Дилдора оғир тин олиб кўзини очди. Кўзларимга тикилиб-тикилиб боқди. Унинг ғамзали қарашларида афсус-надоматни кўрдим.

—Охирги учрашувимиз эсингиздами?

— Ҳа,— дедим мен бошим билан тасдиқ ишорасини қилиб.

—Айтинг, ўшанда нима дегандим.

— Энди учрашмаймиз, девдингиз.

Сиз: «Ундай дема Дилдора, наҳот самимий дийдорлашувимиздан ҳам мени бенасиб этсанг» — деган эдингиз ёлворгандек. Тўғрисини айтсам, сиздан ажралиш менга ҳам оғир эди. Лекин шундай қилсак бир-биримизни унутармиканмиз, деб ўйловдим. Кейин билсам, ўзимни ҳам, сизни ҳам алдаган эканман. Орадан ойлар ўтсада, айрилиқ азобига чидаб яшадим. Охири бардошим тугади. Мана кўриб турибсиз, сизни яна чақиртирдим. Ҳеч бўлмаса ўлимим олдидан сизни бир кўрай дедим. Сиздан ягона илтимосим, мени унутманг. Сизга яна бир гапни айтай. Бугун бор ҳақиқатни эримга ошкор қилмоқчиман. Ҳеч бўлмаса у дунёга бадном бўлиб, армон билан эмас, очиқ юз билан кетай.

Йўлакда қадам товушлари эшитилди. Дилдора қўлимни бўшатди. Ундан сал узоқлашдим. Хонага кирган барваста киши менга ҳам эътибор бермай сўради.

— Тузукмисан, Дилдор?

Шу одам Дилдоранинг эри эканлигига ҳеч шубҳам қолмади. Ҳозир хонада қаттиқ чақмоқ чақиладию кучли момақалдироқ гумбирлаб бутун оламни бузади.

— Адаси,—деди Дилдора мажолсизланиб. — Манави кишини танийсизми?

— Йўқ,— деди у бир менга, бир хотинига ҳайрон термулиб.

— Худодан яширмаган, бандасидан яшириб нима қиламан. Билиб-сезиб турибман. Умрим тугаб боряпти. Сизлар билан хайрлашадиган куним яқин. Шунча йил дардимни ичимга ютиб икки ўт ўртасида яшадим. Энди орани очди қилмасам бўлмайди.

Дилдора гўё бундан бошқа гапга кучи етмагандек кўзини юмди. Нафасини ростлаб узоқ жим қолди. Фозилжон ғалати бўлиб кетди. Кўзлари олдида бирдан олов чақнаб ўтди. Бир умрлик вафодор хотини, болаларининг меҳрибон онаси нималар деб валдираяпти ўзи? Наҳотки шу инсон...

Қани энди иложи бўлсаю Фозилжон шу топда бор овозда бақириб кўнглини бўшатса. Лекин бунинг иложи йўқда. У ҳозир на отаси, на онаси томон қадам босолмай ўртада ҳайронликда қотиб турган тетапоя боладек ўзини ноқулай ҳис этарди. У бир алпозда хотини томон эгилди. Иссиқ нафасни туйиб Дилдора кўзини очди. Фозилжон беихтиёр унинг пешонасидан ўпди. Гўё шундай қилса бутун вужудини қамраб олган ҳис-ҳаяжондан ҳоли бўладигандек туюлди. Ўпди. Яна ўпди.

«Менгина ўлай, менгина ўла қолай. Сени ҳатто шамолларга раво кўрмаган шундай меҳрибон инсонга қайси юз билан сизга садоқатли ёр бўлолмадим», деб айтаман. Танҳоликда хаёлингда анча жўнгина кўринган бу гапни юзма-юз келганда тилга чиқариш мушкул экан».

Дилдора дилидаги гапни айтса-айтмаса эрига энди ҳаммаси аён эди. Фозилжон зўр ҳаяжон билан хотини қаршисида тиз чўккanча ҳайкалдек қотиб турар, тепасида уни кузатиб турган жазман кишининг ёқасига бургутдек ташланиб чанг солгиси келар, лекин ўрнидан туришга ожиз, боши айланиб, кўзи тинарди.

— Дилдор, Дилдор!

Ким айтдия бу сўзни. Манави гўрсўхтами? Ё кўзини очиб-юмгунча хотинининг тепасида гавжумлашиб қолган ҳамшираларми? Бундай ўзига келиб қараса, хотини кўзи очиқлигича оламдан ўтибди.

— Дилдор!

Алам ва ситам билан Фозилжон қалбидан отилиб чиққан бу сўз еру кўкни ларзага солди. У бошини оҳиста хотини бағрига қўйди.

— Мени нега ташлаб кетдинг ,Дилдор!

У шундай ҳолатда узоқ беҳуш ётди. Кейин уни зўрлаб турғизишди. Фозилжон бундай қараса, ўша одам унинг қўлидан тортиб ҳамдардлик билдириб турибди. Тавба, бу инсон нима истайди ўзи ундан? Наҳот хотинининг жонсиз танаси билан тузук-қуруқ хайрлашишга ҳам имкон бермаса-я.

Фозилжон силтаниб унинг қўлидан бўшандию, эшик томон ўзини урди. У ҳозир ёлғиз қолишни истарди. Танҳоликда, қисматидан ўкиниб, тўйиб-тўйиб йиғлашни истарди.

Эртасига дафн маросими бўлди. Унда мен ҳам қатнашдим. Шундай қилмасам, Дилдорани сўнгги йўлга кузатмасам унинг бошига болиш сифатида қўйиладиган бир сиқим тупроқни барча яқинлари қатори мен ҳам ташламасам, умрбод ўзимни кечиролмаслигимни юракдан ҳис этдим. Гарчи унинг оиласи, болалари сингари бел боғлаб тобут олдига тушмасамда одамлар нигоҳидан қочиб бўлсада қанотидан айрилган қуш сингари тобут теварагида бўғзимга тиқилиб келган аччиқ зардобни зўр-базўр ютиб, одамлар оқимига қўшилганча қабристон томон борардим. Дилимга қуйилиб келаётган сўзлар, афсус-надоматларни ташимга чиқармай, ичимга ютишга мажбур эдим. Кўнглим доғли, тилим боғлиқ эди.

Мурда лаҳадга қўйилиб одамлар тарқагач, икки киши—Фозилжон ва мен беихтиёр қабр тепасида қаққайиб қолдик. У ҳам, мен ҳам жимгина қабр ёнига тиз чўкиб билганимизча тиловат қилган бўлдик.

Қабристондан қайтар эканмиз у менга гап қотди.

—Сиз қандай одамсиз ўзи? Ҳеч бўлмаса гўрида тинч қўйинг хотинимни.

У бу сўзларни қандайдир маъюс ва ҳамдардлик билан айтди. Шу ерда биз ажрашдик. Кетиб боряпманг: «Акажон кечиринг, мендек чорасиз бир укангизни, кечиринг. Худо шоҳид, йиллар давомида биз бир-биримизга дилдан боғланиб қолганимизни ҳис этсакда, лекин кўнгил майлига эрк бермадик», деган сўзлар тилимдан учиб борарди.

Автовокзалга қандай келиб қолганимни билмайман. Рўпарамда Бухоро — Тошкент автобуси турибди. Унга чипта олиб бир алпозда машинага чиқдим. Ўз ўрнимга жойлашиб ўтириб олдим. Лекин Бухорони, унинг заминини ҳеч тарк этгим келмасди. Агар ҳозир жўнаб кетсам, қалбимда қандайдир армон қолиб кетаётгандек эди. Бу армон Дилдор эди. У билан тузук-қуруқ хайрлашмаганим эди.

Нафасим тиқилиб, автобусдан тушдим. Оёқларим беихтиёр яна қабристон томон бошлаб кетди. Қанча йўлни пиёда босиб, гоҳ югуриб, гоҳ ҳаллослаб яна ўша манзилга етиб келдим. Айни шу дамда эрталабдан бери тунд осмон кўз ёши тўкиб юборди. Ёмғир савалаб берди. Йирик томчилар янгигина дўппайган қабрнинг юмшоқ тупроғини ювиб борарди. Бир алпозда қабр тепасига тиз чўкдим.

Муҳаббатим, қайдасан,
қалб ардоғим,
Жайрон кўзим, тоғларда
қолган оҳим.
Кўлим тегмай тўкилган
қизғалдоғим,
Энди сени излаб
қайдан топарман.

Эшитяпсанми, Дилдора, мен яна келдим. Ҳали тупроғинг совимай туриб сени соғиниб, сени кўргани келдим. Эсингдами, ўшанда мана шу шеърни қайта-қайта ўқишимни сўрардинг. Қўй, дердим мен. Оллоҳим, ҳеч қачон изларингга зор қилмасин дердиму, сенинг илтимосингни рад этолмай уни ўқишда давом этардим.

Агар келсанг йўлингга
гул тўшардим,
Сен Лайлига, мен
Мажнунга ўхшардим.
Бу дунёда ҳижрон йўқ деб яшардим,
Энди сени излаб қайдан топарман.

Бугун эса чиндан ҳам изларингга зор-зор қилиб кетдинг-ку. Наҳот қисматимиз шундай бўлишини олдиндан билган бўлсанг?

Сен қалбим ардоғи эдинг. Кўриб кўзларимга ишонмайман. Беозор, дилкаш, фариштамисол сендай соҳибжамол бугун бир уюм тупроқ узра қорилиб ётганига ҳеч ишонгим келмайди. Бундай оғир мусибатга қайси инсон зоти чидабдики, мен чидай. Сенинг дилбар, оҳангработдек ўзига ром этувчи ширин сўзларингни қандай унутай, жоним. Япроқ мисол титроқ қалбларимизга чўғ солган ўша лаззатли онлар шу қадар қисқамиди? Бир зумда қуш каби учсаю-кетса.

Куну тун сайр қилиб чарчамасдик. Бир-биримизни тинглашга ошиқардик. Сўз, сўз, сўз...Қандай хаёлимизга ёғилиб келарди-я улар. Гапларимиз шу қадар кўп, шу қадар муҳим эдики, бирини айтсак, иккинчиси қолиб кетгандек. Йўқ, қанчалик шошилмайлик барибир дил розимизни айтиб улгурмадик. Афсус, юрагимизни чўғ каби куйдириб ётган қанча-қанча дардларимиз тилимизга чиқмай қолиб кетди-я. Уларни айтишга орият кучлилик қилди.

Бугун ўйланаман, ўйланаман. Наҳот ўша илтижоли, маъюс ва маъсум қарашлар энди бир умрга армонга айланиб қолган бўлса. Дилдор, азизам, мунисам, нима бўлсада барибир мен сендан миннатдорман. Сен илҳом париси бўлиб ҳаёлимга кирдинг. Ижод бўстонимга туганмас мавзу топиб бердинг. Муҳаббат аталмиш нурафшон, гўзал боғга қайта етакладинг. Сен менга севиш, севилишни, унинг қадрига етишни ўргатдинг. Муҳаббатнинг сеҳри мен ўйлаганимдан ҳам кучлироқ эканини сен туфайли англаб етдим.

Азизам, мени кечир. Сенинг олдингда неки гуноҳим бўлса кечир. Бемаврид, беижозат қалбингга кириб, ундан бир дона гул узганим учун мени кечир. Худо менга қанчалик умр берган билмайман, лекин сен ҳамиша менинг ёдимдасан, қалбимдасан ишон. Сени эсламай ўтган ҳаётимнинг бир куни мен учун ҳаром.

Хайр, азизам, мен кетдим. Айни баҳор фасли булутлар тарқаб қуёш чарақлаганда, табиат яшил тусга кириб ёруғ оламга ёркин нур бағишлаганда бир қучоқ гул билан яна ёнингга қайтаман. Гўринг нурга тўлсин, Дилдорим.

Шу топда ўша сен яхши кўрган, сен жон-дилдан севган шеърни яна бир бор такрорлагим келди. Зора, дил ўртар бу сатрлар сенинг безовта руҳингга бир қадар ором бағишласа.

Тушларимда йиғларман
гоҳ бағрим қон,
Оҳларимдан дуд чиқиб
осмон-осмон.
Сен менгаю, менга сен
бўлдик армон,
Энди сени излаб қайдан топарман.

Хайр, азизам мен кетдим.

***

Дилдор, азизам, мен сен ҳақингда албатта бир ҳикоя ёзаман дердим. Йиллар давомида менга уйқу бермай ўйлантириб, ёндириб, куйдириб келган ҳикоя ниҳоят бугун қоғозга тушди. Сенга берган ваъдамни қанчалик эплаб бажардим, у энди ўқувчилар ҳукмига ҳавола.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Жамғармалар фаолиятидан

МАРОҚЛИ САЁҲАТ

«ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ШАҲАР ТАЯНЧ МАСКАНИ ТОМОНИДАН ЯККАСАРОЙ, ЧИЛОНЗОР, УЧТЕПА ТУМАНЛАРИДАГИ ВАСИЙЛИККА ОЛИНГАН 100 НАФАР БОЛАЛАР УЧУН ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ТАРИХИ МУЗЕЙЛАРИГА САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ.

Саёҳат давомида болажонлар музейларнинг барча залларидаги экспонатлар билан танишдилар. Тадбир сўнгида ўқувчилар билан мулоқот ўтказилди. Ўғил-қизларимиз мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Бундай хайрия тадбиридан кўзланган мақсад — келажак авлод маънавиятини бойитиш, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳақида тушунча беришдир. Чунки ўсиб келаётган авлодни маънан етук, баркамол инсон қилиб тарбиялашда миллатимиз тарихини ўрганиш муҳим ўрин тутади.

МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

«СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ», ДЕБ ТАЪКИДЛАГАН ЭДИ ЮРТБОШИМИЗ.

Дарҳақиқат, соғлом миллат бу бизнинг келажагимиз. Куни кеча ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги «Тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини, айниқса фертил ёшидаги хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини жамғарманинг тиббий-ижтимоий марказ шифокорлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилиши ва мурувват ёрдамлари кўрсатилиши асосий мезон қилиб олинди.

Жумладан, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг кўчма «Амбуланс» бригадаси шифокорлари 2006 йилнинг ўтган даври давомида тегишли тузилмалар билан биргаликда шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 52 та маҳаллада ёлғиз кекса ва кам таъминланган оилаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли дори-дармон билан таъминлаб мурувват ёрдамлари кўрсатдилар. Туманда истиқомат қилувчи 3455 та кам таъминланган оилалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Аниқланган касалликлар бўйича 701 та оилага тегишли амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 14 нафар ёлғиз, ногирон қариялар ҳолидан ҳам хабар олиниб, маънавий қўллаб-қувватланди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги тиббий кўрик натижалари бўйича ҳисобот йиғилишлари ўтказилди.

Барно ШЕРБОЕВА

Кино

«ЎТКИНЧИ БАХТ»

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ КИНО САРОЙИДА «ЎТКИНЧИ БАХТ» БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Л. Каримова ҳамда Д.Масаидов сценарийси асосида «najot» ижодий гуруҳи томонидан суратга олинган мазкур фильм ҳаётга енгил-елпи муносабатда бўлиш оқибатида юзага келадиган кўнгилсиз воқеалар ҳақида.

Фильм режиссёри — Нажот Ҳожиев, оператор —

Элдор Мамедов. Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов, Лола Элтоева, Наргиза Абдуллаева, Аброр Парпиев каби актёрлар ижро этган.

ЎзА

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кулса киши юзингга,
Кўрклик бўлиб кўрингил.
Ширин, очиқ сўз сўйла, ёқмоқ учун урингил.
Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Азизим, дилингга мулойимлик ва сабот нури билан оро бергинки, ҳалим кишининг дили малоҳатли бўлади. Маънолар гавҳарининг хазинадори мавлавий Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сўзлари бу маънога гувоҳдир:

Ҳилм тиғи пўлат тиғдан ўткирроқ,
Ҳилм юз лашкарни енгар беяроқ!
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Заҳру шакар ҳосияти сўздадур,
Меҳру муҳаббат томири кўздадур.
Саид ҚОСИМИЙ

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

«Амир ТЕМУР ўгитлари»

Ҳикмат . Бир ҳакимдан: «Кўркам хулқли киши ким?» деб сўрадилар. У эса: «Ёмон хулқига сабр қилган киши!» деб жавоб берди. Байт:

Олий ҳиммат билан покиза кўнгил,
Кишини етказар бахту камолга.
Ҳар кимнинг дилида бўлса бадфеъллик,
Умрини совурар бир кун шамолга!
ХУРРАМИЙ

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин анга яхшилиқ.
НАВОИЙ

Айтадилар: — агар сен ҳаётим яхши ўтсин десанг, дўстга ҳам, душманга ҳам очиқ юзли бўл, ўзингни баланд тутишга уринма, ўтирганда бармоқларингни бир-бирининг орасига суқиб ўтирма, узугингни ўйнама, тирноғинг билан тишларингни кавлама, бармоғинг билан бурнингни ушлама, одамларга қараб керишма!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб,
ўзингни ёмон қилиқлардан сақлаб яша.
Аҳмад ЮГНАКИЙ

Ҳар бир иш мулойимлик билан қилинса, рўёбга чиқиши аниқ ва равшандир.

ҲАДИС

ҲИКМАТ. Уч кишини уч жойда таниш мумкин. Мулойим одамни ғазаб келганда, ботир одамни жанг майдонида, ҳақиқий дўстни ҳожат тушганда! Байт:

Дўстларинг муҳтож бўлса пул ила
қилгин мадад,
Душманинг қилса ҳужум тиғ ила жонин суғур.
Ҳар қачон ёдингда бўлсин: ҳар
киши мардман деса,
Мардлигин билмоқчи бўлсанг
мардлигин майдонда кўр.
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

ҲИКОЯТ. Ардашер Бобак ўз юртини адолат зийнати билан безатган эди. Бир куни у ўз ўғлининг ғоят қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни олдига чақириб: «Ўғлим, киши шундай либос кийсинки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин!» деди. Ўғли ундан «Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади?» деб сўради. Отаси унга: «У шундай либоски, матоси яхши хулқ ва яхши ишдир, ипи эса мурoса ва сабрдан бўлади!» деди. Байт:

Доимо яхшидир ишбилармонлик,
Мурoса ҳам доимо яхшидир аммо!
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Улуғлигинг ошса хушхулқ бўлгил.
Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Ҳар ким билан кулиб туриб, очиқ юзлик билан сўзла.
Муҳаммад ҲУСАЙН

Яхши хулқдек олий насаб йўқ.
ҲАДИС

Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.
НАВОИЙ

Кўркам хулқ қуйидагича бўлади: олиб кетса берилади, яхшиликдан маҳрум этилса яхшилик қилади, зулм қилса, мурувват кўрсатади, шундай қилган кишига одамлар ибрат кўзи билан қарайдилар.

Бир доно киши бир улуғ олимнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Ёқимли хулқ кишининг барча айбларини қуёш қорни эритиб юборгандек эритиб йўқотиб юборади».

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Гўзал сўзла ва ёқимли бўлган тил агарда кўнгил билан бир бўлса, яхшироқ бўлур.

НАВОИЙ

Раҳм ва шафқат инсонларнинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради. Байт:

Ожизларга ёрдам қилмоқ улуғликни оширади,
Сулаймон ҳам назар қилгай эди
доим чумолига.

Мурувватли ва шафқатли одамни ҳамма ҳурмат қилади, номини эса эҳтиром билан тилга олади. Байт:

Нияти пок бўлса ҳар кимни агар,
Гул-гиёҳ ўрнига гавҳар ўстирар!
«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»

Вайрон кўнгулларни карам ганжи била обод қил.
ОГАҲИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган.

«Оникс» акциядорлик жамияти жамоаси корхона бошқаруви раиси, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати Тоҳир Тиловқулович Ашуровга падари бузруквори
ТИЛОВҚУЛ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА БИРИНЧИ БОР ИККИ ИСТЕЪДОДЛИ РАССОМЛАР — ТЕАТР БЕЗАГИ УСТАСИ ЗУБАЙДУЛЛО БОТИРОВ ВА РАНГТАСВИРЧИ ШАВКАТ МАМАТКАРИМОВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН ШАХСИЙ КЎРГАЗМА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.





Кўргазмалар

РАНГТАСВИРДА АКС ЭТГАН САНЪАТ

Иккала рассом ҳам Тошкент театр ва рассомчилик институтида таҳсил олишган. З.Ботиров машҳур педагог Г.Брим раҳбарлигида, Ш.Маматкаримов эса академик Р.Аҳмедов ва Ўзбекистон халқ рассоми С.Рахметов устахонасида рассомчилик сир-асрорларини ўрганишди. Ҳозирги кунда рассомлар Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида фаолият олиб боришмоқда. Улар бир қатор машҳур опера ва балет асарларини безаган муаллифлардир. Бундан ташқари республика танлов ва байрамларининг бадиий лойиҳаларини яратишган. Зубайдулло Ботиров асарларида тасвир тили фактураларга асосланиб, ўз образларини реал оламдан эмас, балки хаёлий тасаввурлардан қидиради. Муҳими, ундаги предметлар ва ҳайвонот олами талқинида ўзига хос рамзийлик ва фалсафийлик тушунчалари ётади. Саҳна декорацияларида эса рассом устози Г.Брим йўлини давом эттиради.

Шавкат Маматкаримов ижоди серқирра. У гоҳ реалистик услубда, гоҳида эса ранг ва шаклларга асосланган шартли манзарали услубда ижод қилишни ёқтиради. Асосан тарихий, портрет, манзара, натюрморт ва жанрли композицияларни яратади. Бу иқтидорли рассомлар республика ва халқаро кўргазмаларнинг доимий иштирокчиларидир. Уларнинг асарлари нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларнинг хусусий тўпламларидан ҳам муносиб ўрин олган.

Мазкур кўргазма 21 апрелга қадар давом этади.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: З.Ботиров ва Ш.Маматкаримов ижодига бағишланган шахсий кўргазмадан лавҳалар.
Владимир Гранкин олган суратлар.

ИНФЕКЦИЯГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИКДА КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

"ЭКОСАН" ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ, РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА "ИНФЕКЦИЯ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Маълумки, аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнининг асосий омилларидан бири – инфекция тарқалишининг олдини олиш, назорат қилиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Ифлосланган сув ва ҳаво, аҳоли яшайдиган жойларда чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши, рухсат этилмаган чиқиндихоналар сони кўпайиши, аҳолининг санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилмаслиги юқумли касалликлар тарқалишининг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Мазкур тадбир инфекция тарқалишининг асосий манбалари билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мақсадида ташкил этилди. Унда соғлиқни сақлаш идоралари томонидан амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган профилактик тадбирларни молиялаштириш ва бу борада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, сув таъминоти ва чиқиндилар бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли дастур ҳамда йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ушбу анжуманда тегишли вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, мамлакатимизнинг етук тиббиёт мутахассислари, экология соҳасидаги олимлар иштирок этдилар.

"Туркистон-пресс"

ЛОЛА

(Қатра)

Йигирма уч ёшда эдим. Кўп қатори мен ҳам даладаги меҳнатим билан баҳор чиройига чирой қўшардим. Чит гулидек содда, оқ картошка гуллари, ҳар хил ниҳоллар табассумидан дилимга ёқимли ҳидлар инади.

Даладан қайтишда бир илинж дарди билан энтикиб, уни учратсам дейман. Муҳаббатимнинг рамзи сифатида бир бойлам гулимнинг ўртасига эндигина очилаётган лолани жойладим. Энди қўшни бригададан унинг қайтишини, йўлини пойлайман. «Гулларимни олармикан?» Олса дил розини айтгани... Ёки ўқишга кирмай, деҳқон бўлиб ишлаётганимни ёқтирмаса-я. Йўқ, йўқ асло. Шаҳарликлар дастурхонини ҳам сабзавот билан безаб деҳқончиликдан бахтини топаётган ёшларни ўзи ҳам кўраяпти-ку.

Ана, суйганим келаяпти. Мени кўриши билан ёлғизоёқ йўлга бурилди.

— Тўғри йўлдан юрайлик, Ҳилолахон, бирга кетамиз, — дедим унга яқин бориб, сўнг гулдастамни тақдим этдим.

— Наврўз байрамингиз билан!

— Вой, лола ҳам очилибдими? — деди у севинчи ичига сиғмай қўлимдан гулдастамни оларкан.

— Яхши ният билан атайин излаб топдим шу биргина лолани сизга атаб.

Ҳилола: «Яхши ният билан», деган сўзимни ҳис этдими, ҳар қалай, ҳаё билан бошини хиёл эгиб, лолани аста ҳидлади. Шу онда менинг наздимда Ҳилола ҳидлаган сари лола ҳандон отиб, ўз кўркини кўз-кўз қилиб очилаётгандек, баҳор нафаси эса менга бир умрлик севинчбахт ато этиб, дилим ширин орзулар оғушида энтикди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДУДБУРОНЛИ ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Илиқ кунлар бошланиши билан иситиш печлари ва ВНИСТО, КЧМ, АОГВ, АГВ-80 ва АГВ-120 каби иситиш қозонларининг мўриларига эътибор сусаяди, натижада дудбуронлар қизиб кетиб ёнғин содир бўлиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигида хавфсизлик қоидалари»нинг 13-бандида кўрсатилганидек, турар-жойларга ўрнатилган маиший газ асбоблари, жиҳозлар ва аппаратларидан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик уй эгалари ва ижарачилар зиммаларига юклатилган. «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалигидан техник фойдаланиш қоидалари»нинг 9.3.12-бандига мувофиқ, газ асбоблари дудбуронларининг созлиги ҳақидаги далолатномани ҳар йили иситиш мавсуми бошланишидан олдин ўз вақтида тумангазга топширилиши учун турар-жойлар, маъмурий ва жамоат бинолари эгалари, хусусий уйларда эса шахсан хусусий уй эгалари жавобгардирлар.

2006-2007й.й. қиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида, дудбурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб шахсий гувоҳномаларини кўрсатган ҳолда, дудбурон ва шамоллатиш йўллари созлигини аниқлаб, далолатнома тузадилар ва тумангазга топширадилар.

Далолатнома учун ҳақ тўланган чипта хонадон соҳибига берилади.

Агарда дудбурон ва шамоллатиш йўлларида бирон-бир носозликлар бўлса, газ асбобидан фойдаланиш қатъиян таъқиқланади. Бундай ҳолларда таъмирлаш ишларини бажариш учун қуйидаги манзилларда жойлашган корхоналарга мурожаат қилиш зарур:

1.Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси,114-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш жамияти. Телефон: 65-98-55;

2.Ҳамза тумани, Алиев кўчаси, 72-уйда жойлашган «Бунёдкор-таъмир сервис» масъулияти чекланган жамияти. Телефон: 98-63-82;

3.Миробод тумани, Нукус кўчаси, 1-уй, 40-хонада жойлашган «POJARNIY SERVIS» хусусий корхонаси. Телефон: 175-17-73.

Газ ёнган вақтида сув буғлари ва ис гази ажралиб чиқишини унутмаслик керак. Юқорида қайд қилинган ишлар ўз вақтида бажарилса, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўласиз.

«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» ҳудудий газ таъминоти корхонаси

Мунажжим башорати

ЎЗГАРИШЛАР МОҲИЯТИ — ЎЗИМИЗДА

18 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

САЙЁРАЛАР ҲОЛАТИ УНЧАЛИК ҚОНИҚТИРАРЛИ ДАРАЖАДА БЎЛМАСА-ДА, СИРТДАН ҲАММА НАРСА ЎЗАРО УЙҒУН ВА ҲАМОҲАНГ, ВОҚЕАЛАР ҲАЛОКАТЛИ БЎЛМАЙДИ.

Лекин бугун ўз ички даъватингизга ишонишингиз керак бўлади, зеро, бугунги жанжаллар ўзаро бир-бирига боғлиқлик занжиридан халос бўлиш имкониятини очиб бериши мумкин. Ишларингизни барбод қилмайсиз. Нари борса, ўз хатти-ҳаракатларингиз учун кечирим сўрарсиз, лекин шу билан сиз эркин нафас олишингиз ва яшашингизга х алақит бераётган тўсиқдан халос бўласиз. Айни пайтда ўзингиз ва атрофингиздагиларни бир бутун яхлитликда кўра оладиган бўласиз.


Мунажжимлардан С.Ильичёв астрологик жиҳатдан қудратли ҳисобланган бугунги кунни устозларга эргашиладиган, маънавий мулоқотларга эҳтиёж кучли кун деб атаган. Бугун туғилган инсонларда салбий маънодаги кўтаринкилик, ўзини ўзи улуғлашга интилиш иштиёқи кучли бўлади. Лекин бугун ўз маънавий билимларингизни амалиётда фойдали қўллаш куни ҳамдир.

Маъдандан ишланган буюмни топиб олиш бугун яхшиликка – бу сизнинг ҳимоянгиз белгиси. Устингизга қуш патининг тушиши қувончли хабар бўлса, шамолнинг деразани ланг очиб юбориши – янги ҳаётнинг бошланишидан огоҳлантиришдир. Ҳайвонларнинг сизга ташланиши, кийимларнинг йиртилиши ёки қулфнинг синиши ҳимоянгиздан махрум бўлганингиз ва атрофингизда қора кучлар жамланаётганини билдиради.

Бу кеча кўрган тушларингиз ҳаётингизда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сиз учун жуда муҳим бўлган саволларга жавоб топиб бериши мумкин. Тушингизда даҳшатларни кўрсангиз — чалкашиб кетган вазиятлар тез орада ўз ечимини топади.

Оёқларингиз, бўғимларингиз ва умуртқа поғонангизни эҳтиёт қилинг. Кўзларингизни зўриқтирманг ва зинҳор ўзингизни қаттиқ толиқтирманг.

Кийинишда қизил ва сариқ рангли либосларингизга устуворлик беринг. Қора ва кўк рангли кийимларингизни жавонингизнинг нариги бурчига суриб қўя туринг.



Сўзсиз сурат

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6